

“Ўзнефтгазинспекция” томонидан ўтказиладиган текширишлар тартиби

“Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги ҳузуридаги Нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишини назорат қилиш инспекцияси” (“Ўзнефтгазинспекция”) ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2019 йил 24 июнда қабул қилинган 520-сон қарорига мувофиқ амалга оширади.

“Ўзнефтгазинспекция” нефть, газ, газ конденсатини қазиб олиш, қайта ишлаш, ташиш, сотиш ҳамда уларни қайта ишлаш маҳсулотларидан фойдаланиш соҳасида давлат назоратини амалга ошириш бўйича ваколатли орган ҳисобланади.

Давлат назоратини амалга оширишда “Ўзнефтгазинспекция” Ҳукумат қарорлари ва қонунчилик билан белгиланган қўйидаги тартиб ва тамойилларга амал қиласди:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 июлдаги ПФ-5490-сонли Фармонига мувофиқ тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текшириш ташаббуси билан чиқиш тегишли тадбиркорлик субъектлари томонидан қонунбузарлик содир этиш хавфи даражасидан келиб чиқиб, текширувни ташаббус қилишни назарда тутувчи “хавфни таҳлил этиш” тизими натижалари асосида амалга оширилади.

Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текшириш ташаббуси билан чиқиш, улар томонидан қонунбузарлик содир этиш “хавфини таҳлил этиш тизими”ни жорий этиш тартиби тўғрисидаги “Ўзнефтгазинспекция” бошлигининг 2019 йил 5 июлдаги 57-и/ч-сон буйруғига мувофиқ ишлаб чиқилган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг хуқуqlари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил ва Савдо-саноат палатаси раиси билан келишилган Низомда белгиланган танлаш тамойилларига асосан амалга оширилади.

Текширувлар Бош прокуратура томонидан ишлаб чиқилган, шунингдек 2018 йил 7 ноябрда Адлия вазирлигига рўйхатга олинган 3067-сонли “Назорат қилувчи органлар томонидан тадбиркорлик субъектлари фаолиятида ўтказиладиган текширишларни келишиш ва ўтказиш тартиби ҳақидаги вақтингчалик Низом” билан белгиланган тартибларга асосан амалга оширилади.

Тадбиркорлик субъектида ўтказиладиган барча текширувлар Бош прокуратура томонидан ишлаб чиқилган, шунингдек 2018 йил 30 ноябрда Адлия вазирлигига рўйхатга олинган 3093-сонли “Текширувларни рўйхатга олиш ягона тизимини юритиш тартиби ҳақидаги Низом”га асосан Ягона тизимда мажбурий тарзда рўйхатдан ўтказилади.

Текширувлар Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг хуқуqlари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил томонидан қабул қилинган қарорлар асосида ва маҳсус код орқали амалга оширилади.